



20\_20 у « 30» сентябрь

№ К-500

« \_\_\_\_ » 20\_\_ г

Бандиҳон тумани “Бойсун” масиви “Қудуқсой” маҳалласидан “Қудуқсой ёшлари” кооперативига “Умумий овқатланиш, савдо нуқталари ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бинолари”ни қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5,87-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/599-сон йиғилиш баёни, Бандиҳон тумани ҳокимининг 2020 йил 29 июлдаги 01-05/1160-сон хатини кўриб чиқиб,

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/599-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Бандиҳон тумани “Бойсун” масиви “Қудуқсой” маҳалласидан “Қудуқсой ёшлари” кооперативига туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 1242қ-дала контуридаги 0,30 гектар яйлов ер майдонини “Умумий овқатланиш, савдо нуқталари ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бинолари”ни қуриш учун доимий фойдаланиш хуқуқи билан ажратилсин.

3. “Қудуқсой ёшлари” кооперативи “Умумий овқатланиш, савдо нуқталари ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бинолари”ни қуриш мақсадида ажратилган 0,30 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 4 291 374 (тўрт миллион икки юз тўқсон бир минг уч юз етмиш тўрт) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақами 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 4014108609224013450717186 га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Бандиҳон тумани ҳокимлиги (Ў.Чориев) ер майдони ажратилиши

муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ([surxondaryo.uz](http://surxondaryo.uz)) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Сувонқулов зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими**



**Т.Боболов**